

СОЛИҚ ва
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 31 (1303) • 2019 йил 30 июль

ISSN 2010-524X

УШБУ
СОНДА

Курувчига имтиёзлар

2-бет

Хайриянинг солиқ
оқибатлари

3-бет

ЯТТ қачондан
умумбелгиланган
солиқни тўласин?

4-бет

Автоташувчининг
ЯСТ ставкаси

5-бет

Бухгалтерия
проводкаларини тўғри
тузинг

6-бет

ҚҚС: ҳисоблаб чиқариш,
ҳисоб ва ҳисоботда акс
этириш

7-12-бетлар

СИЗГА ЖЎНГИНА
САВОЛ БЕРИШАДИ.
ЛЕКИН БУ ҚУРУҚ
РАСМИЯТЧИЛИК ЭМАСГерманияга отланганда
нималарга эътибор
қаратиш керак?

14-15-бетлар

ЎЗБЕКИСТОНДА «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ»
ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, иқтисодий ўсиш суръати ўртача 6,4, капитал қўйилмалар 9,9, экспорт 9,6 фоизни ташкил этиши, ишсизлик даражаси 9,3 дан 5,2 фоизга ва инфляция 14,4 дан 4,3 фоизга пасайиши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2030 йилда киши бошига ялпи ички маҳсулот 4500 АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ташкил этилган «Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, шунингдек, «Истеъмол саватчаси» ҳисоби ҳамда «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» мавзусидаги матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Дастлаб «Истеъмол саватчаси» нима ва ундан қандай мақсадларда фойдаланилади, «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор»ни белгилашда нималар ҳисобга олинади каби саволларга жавоб берилди.

Мутахассислар фикри-

ча, «Истеъмол саватчаси» — муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Албатта, барча фуқаролар овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим. Булар «Истеъмол саватчаси»ни бутлаш учун асос ҳисобланади.

«Истеъмол саватчаси» энг кам иш ҳақи ва пенсиялар, базавий ижтимоий тўловлар, ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар каби моддий эҳтиёж миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлмоғи керак.



«Истеъмол саватчаси»га қирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар — табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товарлар, хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Анъанага кўра, «Истеъмол саватчаси» 3 қисм — озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозик-овқат товарлари ва хизмат-

лардан иборат. Ноозик-овқат товарларига кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар ва ҳоказолар қиради. Хизматлар рўйхатидан эса коммунал, транспорт хизматлари, маданий-маърифий жабҳалар ўрин олади.

Одатда «Истеъмол саватчаси» аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи — меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҚИШЛОҚ ЕРЛАРИГА ДОИР АХБОРОТ —
ҲОЙДАЛАНИШ УЧУН ОЧИҚ

Вазирлар Маҳкамасининг 17.07.2019 йилдаги 599-сон қарори билан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тасдиқланди.

1 августдан бошлаб бундай ахборотдан эркин фойдаланишнинг замонавий ва шаффоф механизми жорий этилади.

Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида тақсимланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги ахборотлар очик фойдаланиш учун мўлжалланган. Ушбу ахборотдан ваколатли вазирлик, идора ва ташкилотлар қатори барча юридик ва жисмоний шахслар ҳам фойдалана оладилар. Қишлоқ хўжалиги ташкилотларига тақсимлаб бўлинган ер участкаларига

доир ахборотга кириш имконияти чекланган. Улардан фақат тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотлар фойдаланиши мумкин.

Ахборотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари хузурида ташкил этилган Ягона электрон ахборот маркази (ЯЭАМ) agroonline.uz дастури доирасида шакллантирилади, янгиланади ва фойдаланилади.

Масъул тузилмалар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида қандай ахборотларни шакллантириши ва эълон қилиши белгиланди:

1) «Давергеодезкадастр» кўмитаси органлари томонидан: ер участка-

сидан фойдаланувчилар номи, хўжалик ва ҳуқуқий режими, жойлашган жойи (манзили), чегараси, контур рақами, майдони, ер тоифалари ва турлари, тупроқнинг унумдорлиги (балл бонитети);

2) сув хўжалиги органлари:

- ерларнинг сув билан таъминланганлик даражаси, шу жумладан, уларнинг манбаи;

- суғориш учун сув чиқариш усуллари, илғор ва замонавий технологиялар, шу жумладан, томчилатиб суғоришнинг жорий қилинганлиги;

- тупроқнинг мелиоратив ҳолати, ер ости сувларининг сатҳи ва таркиби, коллектор-дренаж тармоқларининг ҳолати;

- суғориш тармоқлари ва иншоотларини, насос станцияларини капитал ва жорий таъмирлаш дастурлари ва бошқалар;

3) қишлоқ хўжалиги органлари:

- экилиши белгиланган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, шу жумладан, уруғлик экинлари турлари;

- мавжуд боғлар, токзор, тутзорлар ва бошқа мевали дарахтзорларнинг ҳолати;

- мавжуд чорва моллари ва паррандалар, шунингдек, балиқчилик ва асаричилик тўғрисидаги маълумотлар;

- бўлғуси қишлоқ хўжалиги ташкилотларини ташкил этиш йўналишлари тўғрисида таклифлар;

4) фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари: фаолият юритаётган, шу жумладан, паст рентабелли ҳамда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб юқори рентабеллик даражасига эришган фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.07.2019 йилдан кучга кирди.

Ленара ХИКМАТОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЎЗБЕКИСТОНДА «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ» ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?



ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирричилиги учун зарур энг кам

миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмоЛ саватчасидаги барча неъматларни истеъмоЛ қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмоЛ қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлиги аниқланади.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди.

Фармонга кўра, республикамизда «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «ИстеъмоЛ саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлидан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш белгиланган.

Бирок бугунги кунгача бу тушунчалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмади, амалиётга жорий этилмади. Нега?

– «ИстеъмоЛ саватчаси»ни жорий этиш дунё тажрибасига кўра мажбурий равишда қилинмайди, – деди иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Хўжаев. – Аввало, «суфийна иқтисодиёт»ни камайтириш мақсадида «ИстеъмоЛ саватчаси» методологиясини ишлаб чиқдик. Бутунги кунда Фарғона ва Тошкент вилоятида эксперимент тарикасида ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. «ИстеъмоЛ саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор»ни амалиётга жорий этиш учун ташкилий масалаларни амалга ошириш лозим. «ИстеъмоЛ саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» амалиётга жорий этилганидан сўнг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўришимиз керак.

Тадбирда вазирлик мутахассислари томонидан 2019 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий гармоқ ва соҳада эришилган натижалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Жорий йилнинг январь–июнь ойларида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсди. Ўтган олти ойда инфляция даражаси 5,56 фоизни ташкиЛ қилди. Жумладан, озиқ-овқат 5,9, ноозиқ-овқат товарлари 5,2 ва хизматлар 5,3 фоизга ошди. Республика бўйича жами 137,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ў.А.



Қурилиш ташкилоти 2017 йилда қуриб фойдаланишга топширилган уйдаги квартираларни сотаяпти. Ташкилот 2019 йилдан ҚҚС тўловчиси бўлган. Квартиралар ипотека кредити асосида эмас, балки жисмоний шахсларга тўғридан-тўғри сотилмоқда (улар кредит олмади, балки бутун суммани ўзлари тўлайди).

Мазкур ҳолатда Президентнинг 13.05.2019 йилдаги ПФ-5715-сон Фармони қурилиш ташкилотига қўлласса бўладими?

УЙ-ЖОЙ ҚУРДИНГИЗМИ – ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ

– 2019 йил 1 январга қадар қурилишга рухсат этилган уй-жой фонди объектларини (2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган объектлар бундан мустасно) бирламчи уй-жой бо-

зорида реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар ҚҚСдан озод этилади (13.05.2019 йилдаги ПФ-5715-сон Фармоннинг 13-банди).

Фармон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» деб номланган бўлса-да, унинг 13-бандида сотиб олувчилар уй-жой учун ҳақни қандай: ўз маблагларидан ёки ипоте-

ка кредитини жалб қилган ҳолда тўлашлари кўрсатилмаган.

2019 йилнинг 1 январига қадар қурилишга рухсат берилганлиги сабабли, объект Фармоннинг 13-бандида кўрсатилган дастурга киритилмаган бўлса, қурилиш ташкилотини ушбу квартираларни сотишда 2019 йил 14 майдан 2020 йил 1 январгача ҚҚС бўйича имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

ТМБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАНДА ҚҚС ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИ



Корхона 18,9 литрли идишдаги сувни сотади. Қулерлар 2018 йилда импорт қилинган, божхонада тозалашда ҚҚС тўланган, БЮД бор. Улар мижозларга (сув олувчиларга) 1 йилга вақтинча фойдаланишга берилади. Шартноманинг амал қилиш мuddати тугаганидан кейин қулер-аппаратлар корхонага қайтарилди. Бугунги кунда корхона раҳбарияти қулерларни сотмоқчи бўлаяпти. Корхона 2019 йилдан умумбелгиланган солиқларни, 20% ҚҚС тўлашга ўтган. 1.01.2019 йилдаги ҳолатга кўра ТМЗларни инвентаризация қилиш чогида қулер-аппаратлар учун тўланган ҚҚС ҳисобга олинмади, чунки аппаратлар мижозлар ихтиёрида бўлган. Қулерлар бўйича бухгалтерия ҳисоби 1080-счётда юритилади. Қулерлар мижозларга берилаётганда уларнинг қиймати харажатларга ҳисобдан чиқарилмаган, чунки ушбу сумма корxonанинг молиявий натижасига жисдий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Корхона қулерлар импорт қилинганда тўланган ҚҚС суммасини уларни сотиш чогида ҳисобга олиш ҳуқуқига эгами?

– Йўқ, корхона бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилганда Солиқ кодексининг 218-моддаси учинчи қисмида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтилган пайтдан эътиборан ТМЗ қолдиқлари бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади (Солиқ кодексининг 218-моддаси 6-қисми). 2019 йил 1 январдан умумбел-

гиланган солиқларни тўлашга ўтилганда, ТМЗ қолдиқлари бўйича ҚҚСни уларнинг қийматидан чиқариш ва 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)» счёти дебети бўйича акс эттириш керак эди. Корхона ярим йилдан буён умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланган солиқ даврини ўртасида бундай операция амалга оширилмайди.

Эътибор беринг!

Бу фаолиятда фойдаланилмаётган ва қолдиқ сифатида оморхонада сақланаётган қулер-аппаратларга тегишлидир.

Қулер-аппаратлар ҳақиқатан ҳам ТМЗ (материаллар) сифатида сақланаётганда ва фойдаланилмаётганда 1080-«Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётида ҳисобга олинади. Қулерлар мижозларга фойдаланишга берилганда харажатларга ҳисобдан чиқарилиши керак эди. Корхона зарарни кўпайтирмалик мақсадида уларни ҳисобдан чиқармади. Бу хатони тўғрилаш керак. Қулер-аппаратлар ҳисобдан чиқарилгандан кейин 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» баланسدан ташқари счётада ҳисобга олинмиши лозим. 2019 йил 1 январга қадар фойдаланишга берилган инвентарь ва хўжалик жиҳозлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрлади.

УШБУ СОНДА:

● УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистонда «ИстеъмоЛ саватчаси» қачон жорий этилади? 1-2-бетлар

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Қишлоқ ерларига доир ахборот – фойдаланиш учун очик 1-бет

● СОЛИК СОЛИШ

– Уй-жой қурдингизми – имтиёздан фойдаланинг 2-5-бетлар

– ТМБ фойдаланишга топширилганда ҚҚС ҳисобга олинмайди

– Қачон имтиёз бекор қилинмайди

– Ҳар бир объект бўйича ҳисоб юритинг

– Совринлардан ЯИТ ушлаб қолинмайди

– Ҳайитда гўшт беришди

– Умумбелгиланган солиқларга қачон ўтилади

– Қайси ставкани қўллайлмик?

– Тўловдан озод этиладилар 2-5-бетлар

● ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Фирма дўкони: ҳисоб хусусиятлари

– Аввал корxonани таъсис этинг

– Жорий тўловларни ҳисобга олиб 6-бет

● БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Кўшилган қиймат солиғи ҳақида нималарни билиш лозим 7-12-бетлар

● АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Компенсация: миқдорда хато қилдик

– Кирувчи ҚҚС – таннархга 13-бет

● БОЖХОНА

– Чегара билмас дўстлик

– Сизга жўнгина савол беришади. Лекин бу куруқ расмиятчилик эмас

– Почта орқали «ғаразли салом»

– Электрон сигареталарга йўл бўлсин 14-15-бетлар

● НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Мажбурий тиббий сугурта қанчага тушади 16-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

? Касб-хунар коллежи битирувчиси 2018 йил 1 ноябрдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. 2018 йил ноябрдан 2019 йил апрелгача бўлган даврда қатъий белгиланган солиқни тўламаган. 2019 йил июлда товарларни реализация қилишдан тушум 100 млн сўмдан ошган, 2019 йил августдан эса ЯСТ тўлашга ўтади. Якка тартибдаги тадбиркор – коллеж битирувчиси унинг кейинги даврлардаги тушуми 100 млн сўмдан ошса, имтиёз қўлланган давр учун қатъий белгиланган солиқни тўлайдими?

ҚАЧОН ИМТИЁЗ БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ

– Йўқ, имтиёзли даврдан кейин оборот 100 млн сўмдан ошган тақдирда ўтган давр учун имтиёз бекор қилинмайди.

Солиқ тўловчи солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли (Солиқ кодексининг 30-моддаси 3-қисми).

Касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин 12 ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, рўйхатдан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан 6 ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан

ўтилган пайтдан бошлаб 12 ой ичида фаолият тугатилган ёки фаолият 3 ва ундан кўп ойга тўхтатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади (Солиқ кодексининг 375-моддаси 6-қисми). Ушбу имтиёзни бекор қилиш учун бошқа шартлар назарда тутилмаган.

Имтиёзли давр мобайнида якка тартибдаги тадбиркор имтиёзни қўллаш шартларига мос келган. Мазкур даврда у фаолиятни тўхтатмаган, тушум 100 млн сўмдан ошмаган. Тегишсинча, 2018 йил ноябрдан 2019 йил апрелгача бўлган давр учун қатъий белгиланган солиқ тўланмайди ва кейинчалик ушбу давр учун қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

ҲАР БИР ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИНГ

? Қурилиш фирмаси (ЯСТ тўлайди) объектни реконструкция қилиш учун бюджет ташкилоти билан шартнома тuzди. Мазкур ҳолатда ҚҚС ва ЯСТ қандай тартибда ҳисобланади?

– Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўлайдиган солиқ тўловчилар марказлаштирилган молиялаштириш манбаларини жалб қилинган ҳолда қуриладиган объектлар бўйича ҚҚС тўлайдилар (Солиқ кодексининг 349-моддаси). ҚҚСни тўлашга ўтганлиги тўғрисида хабарнома тақдим этиш шарт эмас (Солиқ кодексининг 197-моддаси 3-қисми).

ҚҚСни ҳисоблаш бўйича мажбурият корхонанинг барча оборотларига эмас, фақат бюджет маблағларидан тўлов тўланадиган бажарилган ишларга таъбиқ этилади. Улар бўйича Солиқ кодексининг VII бўлимига мувофиқ ҚҚС ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади. Шу боис объектлар бўйича ишларни бажаришга оид харажатлар ва ишларни бажаришдан тушган даромадлар бўйича алоҳида ҳисоб юритинг.

Бюджет маблағларидан молияланадиган объектда ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган товарлар

(ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларига тўланган ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин.

Харид қилинадиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) ҚҚС солинмайдиган бошқа объектларда фойдаланилса, етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС ҳисобга киритилмайди, балки ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)нинг кийматида ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 221-моддаси).

Корхона ҚҚСдан ташқари кўрсатилган объектлар бўйича тушумдан ЯСТ тўлайди (Солиқ кодексининг 56-боби).

Шунда у бюджет маблағларидан тўланган реконструкция қилинадиган объект бўйича соф тушумдан ҳисобланган ЯСТ суммасини бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚС суммасига, бироқ ЯСТ суммасининг 50%дан ошмаган миқдорга камайтириши мумкин.

ҚҚС солинмайдиган бошқа объектлар бўйича ЯСТ умумбелгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

ТУЗАТИШ

«СБХ»нинг 23.07.2019 йилдаги 30 (1302)-сони 3-бетида берилган «Дивидендлар мол-мулк билан берилганда ҚҚС тўлаш» материалдаги мисол қуйидагича ўқилсин:

МИСОЛ. Чиқиб кетаётган муассиснинг УФдаги ҳиссаси 100 млн сўмни ташкил қилади.

Бинони бериш чоғидаги унинг қолдиқ қиймати	80 млн сўм	100 млн сўм	120 млн сўм	150 млн сўм
Бино чиқиб кетаётганда ҚҚС	мавжуд эмас	мавжуд эмас	3,3 млн сўм (120 - 100) / 120 x 20	8,3 млн сўм (150 - 100) / 120 x 20

СОВРИНЛАРДАН ЯИТ УШЛАБ ҚОЛИНМАЙДИ

? Республика вокалистлар танловида 1-ўринни эгаллаган қўёвим танлов ташкилотчиларидан пулли соврин олди. Соврин бериш чоғида ЖШДС 12% ва ЯИТ 25% миқдориди ушлаб қолинди. Мазкур ҳолатда ЯИТ ушлаб қолинадими?

– Йўқ, пулли соврин суммасидан ЯИТ ушланмайди.

Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ЯИТнинг солиқ солиш объектидир (Солиқ кодексининг 306-моддаси).

Мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қиради (Солиқ кодексининг 178-моддаси 8-банди). Тегишсинча, улар ЯИТ солинадиган объект ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексиди ЯИТ иш берувчи ва алоҳида тоифадаги жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига тўланиши белгиланган.

ЖШДС ушлаб қолиниши тўғри. Халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг кийматида ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 179-моддаси 13-банди). Бироқ соврин пул кўринишида олинганлиги сабабли унга имтиёз таъбиқ этилмайди.

Танлов совриндорига ташкилотчилардан олинган даромадлар (пулли соврин) ва ушлаб қолинган солиқлар тўғрисида маълумотнома олишни тавсия этамиз. У ўз даромадларини декларациялаши лозим. Бу ДСИга солиқлар тўғри ушлаб қолинганлигини аниқлаш ва ортиқча ушлаб қолинган солиқни совриндорга қайтариш имконини беради (Солиқ кодексининг 192-моддаси).

ҲАЙИТДА ГЎШТ БЕРИШДИ

Корхона жисмоний шахснинг шахсий пластик картасига пул ўтказиб, ундан гўшт сотиб олди. Жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланмайди. Уй хўжалигида етиштирилган мол сўйилган. Жисмоний шахс яшайдиган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома бор. У сотилган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга тегишли ер участкасида етиштирилганини тасдиқлайди. Ҳайит байрами муносабати билан корхонанинг ҳар бир ходимига 2,5 кг дан бепул гўшт берилган.

1. Корхона ходимларида қандай солиқ оқибатлари юзага келади?
2. Жисмоний шахсда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Ходимлар учун гўшт олиш ЖШДС солинадиган даромад ҳисобланади, бироқ бундай даромадлар солиқ солишдан озод этилиши мумкин.

1 Корхона томонидан байрамга 2,5 кг дан бепул берилган гўшт ходимларда солиқ оқибатлари уни бериш қандай расмийлаштирилгани ва жорий солиқ даврида ходимларда шундай даромадлар бўлган-бўлмаганлигига боғлиқдир.

Гўшт бепул берилишини расмийлаштиришнинг 2 варианты бор:

1) байрамга совға сифатида. Ходимда моддий наф тарзидаги даромад юзага келади (Солиқ кодексининг 177-моддаси 1-қисмининг 2-банди). Ходимларга натура шаклида берилган киймати ЭКИХнинг 6 бараваригача бўлган совғалар солиқ даври мобайнида (календарь йил) ЖШДСдан озод этилади (Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-банди);

2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш тарзида моддий ёрдам кўрсатиш. Ходимда бошқа даромад пайдо бўлади (Солиқ кодексининг 178-моддаси 16-банди). Солиқ давридаги ЭКИХнинг 12 бараваригача миқдордаги моддий ёрдам суммаларига ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-банди).

Ходимларга берилган гўшт киймати унинг харид нархидан аниқланади. Ходимларнинг моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадларига ЯИТ солинмайди.

2 Гўштни сотишдан тушган даромад жисмоний шахс-сотувчи учун бошқа даромад ҳисобланади (Солиқ кодексининг 178-моддаси 6-банди). Уй хўжалигида етиштирилган молнинг гўштини сотган жисмоний шахсда солиқ оқибатлари юзага келмайди, сабаби у сотилган маҳсулот унга ажратилган ер участкасида етиштирилгани тўғрисида маълумотнома тақдим этган (Солиқ кодексининг 179-моддаси 12-банди).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрлади

УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРГА ҚАЧОН ЎТИЛАДИ

? Якка тартибдаги тадбиркорнинг 2018 йил якунлари бўйича тушуми 1 млрд сўмдан ошди. Жорий 2019 йилда ЯТТ ҳозирча бу суммани оширгани йўқ.

Йонда ЯТТ ДСИдан 2019 йилнинг 1 январидан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши ва ҳисоб-китоб счётига келиб тушган тушумдан 2019 йилнинг январь-май ойлари учун ҚҚС тўлаши зарурлиги хусусида талабнома олди.

Якка тартибдаги тадбиркор қайси ойдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади? Жорий 2019 йилнинг тушум 1 млрд сўмдан ошгандан кейин келувчи ойдан ўтадими? Ёки 2018 йил учун тушум 1 млрд сўмдан ошган тақдирда, 2019 йилнинг январиданми?

– Ҳозирги вақтда мамлакатимизда кўп соҳалар қатори солиқ соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Қонун ҳужжатлари Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида (29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сон) мувофиқ ўзгариб бормоқда. Қолаверса, чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалдаги ҳужжатларга тузатишлар амалиётда уларни қўл-лашда юзага келиши мумкин бўлган ва юзага келаётган барча масалаларни доим ҳам қамраб ололмайди. Сизнинг саволингиз ҳам шундай тоифалардан ҳисобланади.

Мазкур мавзуга Молия вазирлиги ва ДСҚ мана бундай жавоб беради.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

2019 йил 4 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари» қарорига асосан 2019 йил 1 январдан қуйидаги тартиб ўрнатилади, унга қўра:

- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 млн сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинади;
- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилади;
- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди.

Молия вазирлигининг сайтида эълон қилинган: <https://www.mf.uz/uz/news/3291.html>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING РАСМИЙ АХБОРОТИ

2019 йил 22 январь

Давлат солиқ қўмитаси 2018 йил якунлари бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарори 8-бандига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишни маълум қилади.

Давлат солиқ қўмитасининг расмий баёнотига асосан 2018 йил якунлари бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми чегаравий миқдордан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахслар каби умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари шарт.

Шунингдек, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 3 млрд сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибдан фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши шарт.

ДСҚнинг сайтида эълон қилинган: https://soliq.uz/uz/press_center/news/o-zbekiston-respublikasi-davlat-soliq-qo-mitasining-rasmiy-axboroti3/

ДСҚнинг расмий ахборотини кўриб чиқамиз.

• Унда якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) ҳам юридик шахсларга ўхшаб ҳаракат қилишлари лозимлиги айтилган. Солиқ кодексининг 1.01.2019 йилдан амал қилаётган тахриридаги моддасидан шу хулосага келса бўлади.

• Солиштириб кўринг:

Юридик шахслар	Якка тартибдаги тадбиркорлар
Солиқ даврида олинган ялпи тушуми 1 млрд сўмдан ошмаган юридик шахслар ЯСТ тўловчилардир (Солиқ кодексининг 350-моддаси 1-қисми 1-банди)	Бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдор – 100 млн сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади (Солиқ кодекси 370-моддаси 1-қисми; ПҚ-4086-сон қарорнинг 8-банди). Солиқ даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошган, лекин 1 млрд сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ЯСТ тўловчилари ҳисобланади (Солиқ кодексининг 350-моддаси 1-қисми 3-банди)

«Солиқ даврида» ва «бир календарь йилда» деган сўзлар айнан бир даврни билдиради. ЯСТ тўловчилари учун солиқ даври – календарь йил белгиланган (Солиқ кодекси, 359-моддаси). Яъни, ҳам ЯСТ тў-

ловчи юридик шахслар, ҳам қатъий белгиланган солиқни ёки ЯСТни тўловчи ЯТТ – календарь йил учун тушуми чегарадан – 1 млрд сўмдан ошганда умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Уларнинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши ҳам бир хил кечади:

Юридик шахслар	Якка тартибдаги тадбиркорлар
Солиқ даврида олинган ялпи тушуми 1 миллиард сўмдан ошган ягона солиқ тўловини тўловчилар белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади (Солиқ кодексининг 351-моддаси 5-қисми).	

• Юқорида исботлаганимиз каби Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахслар ва ЯТТнинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш усули бир

хил ва у календарь йил (солиқ даври) учун тушумга боғлиқ бўлади. Лекин календарь йил (солиқ даври) тушунчаси қандай талқин қилинади?

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

? Корхона алкогалсиз ичимликлар ишлаб чиқаради. Фирма дўкони маъжуд. Тайёр маҳсулотлар омиборида ҳисоб ишлаб чиқариш таннархи бўйича, фирма дўконига эса – сотиш нархи бўйича юритилади. Тайёр маҳсулотни фирма дўконига бериш ва келгусида сотиш нархи бўйича унинг ҳисобини юритиш қайси бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади?

ФИРМА ДЎКОНИ: ҲИСОБ ХУСУСИЯТЛАРИ

– Фирма дўконига тайёр маҳсулот сотиш қийматида ҳисобга олиниши мумкин. Бу ўринда савдо устамаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида алоҳида ҳисобга олиш керак (4-сон БҲМСнинг 22-банди, АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Бухгалтерия ҳисобини пухта юритиб бориш учун сиз 2840-«Фирма дўконига тайёр маҳсулот» ва 2850-«Тайёр маҳсулотга савдо устамаси» ёрдамчи счётларини очишингиз мумкин.

Бухгалтерия проводкалари сизнинг ҳолатингизда қуйидагича расмийлаштирилади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит
Тайёр маҳсулот (ТМ) фирма дўконига берилди	2840-«Фирма дўконига тайёр маҳсулот»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот»
ТМга савдо устамаси қўйилди (КҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда)	2840-«Фирма дўконига тайёр маҳсулот»	2850-«Тайёр маҳсулотга савдо устамаси»
Сотилган ТМнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»	2840-«Фирма дўконига тайёр маҳсулот»
Сотилган ТМга савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди	2850-«Тайёр маҳсулотга савдо устамаси»	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

АВВАЛ КОРХОНАНИ ТАЪСИС ЭТИНГ

? Ўзбекистон фуқароси қурилиши тугалланмаган объектни бошиқа фуқародан сотиб олди. Харидор бу жойда кўп қаватли уй қуриб, квартираларни жисмоний шахсларга бозор нархларида сотмоқчи. Кўп қаватли уйда қўрган квартираларини сотаётганда жисмоний шахс қандай солиқларни тўлаши керак? Солиқ солиш объекти қандай аниқланади?

– Квартираларни сотиш мақсадида кўп қаватли уйни қуриш тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

1 Жисмоний шахс яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳақлидир (ФК 24-моддаси). Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мум-

кин бўлган фаолият турлари рўйхатида (7.01.2011 йилдаги 6-сон ВМК) уй-жой қуриш фаолияти назарда тутилмаган.

Яъни фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида уй-жой қура олмайди.

2 Жисмоний шахс ўзи мулкдор бўлган ҳолда хусусий корхона ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхонани таъсис этиши мумкин. Устав капиталига улуш сифатида пул маблағлари, қурилиш материаллари қўйилиши мумкин. Корхона ходимларни ёллайди, техникани харид қилади (ижарага ола-

ди) ва шу тарика қурилиш фаолияти билан шугулланади.

Корхонага солиқ солиш қурилган квартираларнинг сотилишидан олинган тушумнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Корхона соддалаштирилган ёки умумбелгиланган солиқ тўловчиси бўлиши мумкин. Ҳар бир солиқнинг ўз солиқ солиш объекти бўлади.

ЖОРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

? I чорак учун фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база – 200 млн сўм. Солиқ 12% ставка бўйича ҳисобланган ва 24 млн сўм суммасида тўланган. I ярим йиллик бўйича солиқ солинадиган база – 1 млрд сўм. Фойда солиғининг ҳисобланган суммаси – 120 млн сўм. II чорак учун солиқ бўйича аванс тўлови – 100 млн сўм.

II чорак учун бюджетга қайси сумма тўланиши керак? II чорак учун ҳисобот бўйича ортиб бориш билан ҳосил бўлган сумма, яъни 120 млн сўмми? Ёки II чорак учун ҳисобланган ва I чорак учун тўланган суммалар ўртасидаги фарқ, яъни 96 млн сўмми (120 – 24)?

МИСОЛ. Бухгалтерия проводкалари:

Сана	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
10.01.2019 й.	Фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномага мувофиқ бутун I чорак учун аванс тўлови бирданига тўланган	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	23 млн сўм
31.03.2019 й.	Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобга мувофиқ I чорак учун солиқ ҳисобланган (Ҳисоб-китоб 25.04.2019 йилда тақдим этилган, лекин ҳисобдаги проводка 31.03.2019 йилга берилмоқда)	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	24 млн сўм
31.03.2019 й.	I чорак учун солиқ бўйича жорий (аванс) тўловлари ҳисобга киритилган	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	23 млн сўм
10.04.2019 й.	Фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномага мувофиқ апрель ойи учун жорий тўловлар тўланган	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	30 млн сўм
25.04.2019 й.	I чорак учун фойда солиғи қўшимча тўланган (Солиқ ҳисоб-китобига мувофиқ)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	1 млн сўм
8.05.2019 й.	Фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномага мувофиқ май ойи учун жорий тўловлар тўланган	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	30 млн сўм
7.06.2019 й.	Фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномага мувофиқ июнь ойи учун жорий тўловлар тўланган	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	30 млн сўм
30.06.2019 й.	I ярим йиллик учун Ҳисоб-китобга мувофиқ 120 млн сўм суммасида солиқ ҳисобланган. Солиқ бўйича харажатлар қўшимча ҳисобланган – 96 млн сўм (120 – 24)	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	96 млн сўм
30.06.2019 й.	II чорак учун жорий тўловлар солиқ тўлашга ҳисобга киритилган	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	90 млн сўм
10.07.2019 й.	III чорак учун фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш маълумотномасига мувофиқ июль ойи учун жорий тўловлар тўланган	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошиқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	40 млн сўм
25.07.2019 й.	Ярим йил учун фойда солиғи қўшимча тўланган – 6 млн сўм (120 – 23 – 1 – 30 – 30)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6 млн сўм

2019 йил 26 июль ҳолатига 4410-счётнинг сальдоси 40 млн сўмни ташкил этади – июль ойи учун жорий тўлов.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2019 йил « _____ » _____

1. _____
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилган мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

_____ асосида амал қилувчи
(ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низоми ва б., ш.ч.и.нома)

_____ тимсолида,
(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унган лавозими)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2019 йил 30 июлдаги 31 (1303)-сонидан эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2020 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

Индекс	Нашрнинг номи	2020 йил учун обуна нархи (сўм)	Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	1 115 400		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	781 560		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	558 480		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	1 115 400		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	781 560		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	558 480		

2. Тўлаш учун умумий сумма _____
_____ сўмни ташкил қилади.
(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

--	--	--	--	--	--

Почта индекси

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(шаҳарно, кўчалик, қишлоқ, кўча, деха, мавзо, уй, кв., хона)

Мўлжал _____

4. Боғланиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____

ИФУТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____


Банк коди _____

_____ /
(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.У.

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА АВАЖЛАРИ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЛОЗИМ*



ҚҚСни ҳисоблаш қоидаларини, уни ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтер учун муаммоли масалаларни мисоллар ёрдамида ўрганишда давом этамиз.

ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанаДИ

Комитент томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) воситачи орқали реализация қилинганда

Сотиш бозорини кенгайтириш ва маблаглар айланишини жадаллаштириш учун воситачилик шартномасидан фойдаланинг (ФКнинг 832-моддаси). Ушбу шартнома бўйича ўз товар (иш, хизмат)ларингизни мустақил равишда эмас, балки воситачи орқали сотасиз, у:

- ўз номидан битим тузади;
- харидорларни излайди;

• ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Воситачилик операциялари ҳисобини юритиш ва расмийлаштиришда Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартибининг (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 4-бўлимига амал қилинг.

Воситачидан ҳисобот олиш

Воситачига воситачилик ҳақини тўлашдан олдин сотувлар тўғрисидаги ҳисоботини олинг. Унда қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

• реализация қилишдан тушган тушумдан ҳисобланган, ҚҚС суммасини кўрсатган ҳолда реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) миқдори ва қиймати. Шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар ва реализация

қилинганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари ҳисоботга илова қилиниши керак;

• воситачилик шартномасига мувофиқ сиз унга тўлаб беришингиз лозим бўлган, у сарфлаган харажатлар қиймати. Мазкур харажатларни тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар, чеклар, квитанциялар) ҳисоботга илова қилиниши керак;



Харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина ушбу суммаларни ўз харажатларингиз таркибига кирита оласиз.
Ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатларни расмийлаштиришга ҳам эътибор бering (Солиқ кодексининг 222-моддаси). Уларда ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган бўлса, уни ҳисобга олишга ҳақли бўласиз. Бунда Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этишингиз шарт.

*Давоми. Боши «СБХ»нинг 25.06.2019 йилдаги 26 (1298), 2.07.2019 йилдаги 27 (1299)-сонларида.

- шартнома шартларига мувофиқ ўз воситачилик ҳақи суммасини (у ҚҚС тўловчиси бўлса, ҚҚСни ҳам);
 - олинган аванслар суммасини;
 - қолган қарз суммасини (*Тартибнинг 23-банди*).
- Ҳисоботдан ташқари, воситачи ўз воситачилик ҳақи суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурани ва воситачилик хизматлари кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштиради. У далолатномада шартнома шартларига мувофиқ сиз унга тўлаб беришингиз лозим бўлган маблағлар суммасини ҳам

Реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаш

Воситачи товар (иш, хизмат)ларингизни реализация қилаётганда харидорларга ўз номидан ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиради. «*Етказиб берувчи*» сатрида ўз номига қўшимча равишда «*Воситачи*» дея қайд этади. Узининг ва харидорнинг рекевизитларидан ташқари, сизнинг рекевизитларингизни ҳам кўрсатиши мумкин (*Тартибнинг 26-банди*).

Воситачи товар (иш, хизмат)ларингизни сотадиган нархларни воситачилик шартномасида белгиланган. Шунингдек унда воситачи шартномада кўрсатилганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида битимлар тузишга ҳақли эканлигини кўрсатиш мумкин (*ФКНинг 834-моддаси*).



Воситачи қатъий белгиланган воситачилик ҳақидан ташқари реализация қилишдан қўшимча наф олса, уни тақсимлаш тартибини белгиланган. Масалан, у томонлар ўртасида тенг миқдорда ёки бошқача нисбатда тақсимланиши, комитентга тўлиқ берилиши, воситачининг тасарруфида қолиши мумкин.

Воситачи тақдим этган реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги ҳисобот ва унга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар нусхалари асосида унинг номига ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиринг. Уларда харидорларга тақдим этилган воситачининг ҳисобварақ-фактураларида акс эттирилган ўша кўрсаткичларни қайд этинг.

Бунда «*Етказиб берувчи*» сатрида қўшимча равишда «*Комитент*» дея қайд этинг. Ушбу ҳисобварақ-фактураларни Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрида (*ҚҚС ҳисоб-китобида 5-илова*) рўйхатдан ўтказинг.



Воситачи харидорга товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилган қийматдан келиб чиқиб тушумни белгиланган. Бунда товарни воситачига берган пайтда эмас, балки у товарни харидорга сотган ва ҳисоботни тақдим этганда даромадни тан олинг (Мисолларнинг 2.3-банди, АВ томонидан 26.08.1998 йилда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган 2-сон БҲМСга илова).

МИСОЛ. 2019 йил апрель ойида комитент корхона воситачига ўз товарларини реализация қилиш учун берди. Воситачилик шартномаси ва қабул қилиш-топшириш далолатномасига мувофиқ уларнинг қиймати 20% ҚҚСни ҳисобга олганда 9 960 минг сўмни ташкил этди. Воситачи товарларни ушбу қийматдан паст бўлмаган нархда реализация қилиш мажбуриятини олди. Шу йилнинг май ойида у барча товарларни ҚҚСни ҳисобга олганда 12 000 минг сўмга сотди ва 4 июнь кунни комитентга ҳисобот тақдим этди.

Комитент май ойида реализация қилишдан тушган соф тушумни 10 000 минг сўм (12 000 / 120 x 100) миқдоридан тан олади.

Воситачининг воситачилик ҳақини ҳисобга олиш

Воситачига тўланган воситачилик ҳақини сотиш харажатларига киритинг. Воситачи ҚҚС тўловчиси бўлса, воситачилик ҳақи бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олинг (Солиқ кодексининг 218-моддаси шартларига риоя этган ҳолда). Воситачи томонидан ўзининг воситачилик ҳақи суммасига тақдим этилган ҳисобварақ-фактурани Сотиб олиш реестрида рўйхатдан ўтказинг.

1-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи комитент ўз товарларини соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи воситачи орқали реализация қилади

Шартнома шартларига кўра харидорлар товар ҳақини воситачига тўлайдилар. Воситачи воситачилик ҳақи суммасини ушлаб қолиб, қолган пул маблағларини комитентга ўтказди.

Воситачига берилган товар таннархи 40 000 минг сўмни ташкил этади.

Товарни реализация қилишнинг келишилган қиймати ҚҚСни ҳисобга олганда – 60 000 минг сўм. Воситачилик ҳақи реализация қилинган товар қийматининг 5%и – 3 000 минг сўмни (60 000 x 5%) ташкил этади. Шартномага кўра воситачи товарни комитент учун фойдалироқ шартлар асосида: 3 000 минг сўмдан қимматроққа сотишга ҳақли. Қўшимча наф томонлар ўртасида тенг тақсимланади. Воситачи 7%лик ставкада ҚҚС тўлайди.

Воситачи товарни ҚҚСни ҳисобга олганда 63 000 минг сўмга сотди. Бинобарин, унга тўланиши лозим бўлган қўшимча воситачилик ҳақи суммаси 1 500 минг сўмни ((63 000 – 60 000) / 2) ташкил этди.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истикомат қиладиган), қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича (ўзи танлаган наشرларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (*бундан кейин – Обуначи*) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2020 йилга обун шартномасини (*бундан кейин – Шартнома*) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептни (*бундан кейин – Акцепт*) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (371) 200-00-30 факс орқали жўнатилиши ёки Тахририятта Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2020 йил учун Акцептда кўрсатилган наشرларга (Обуначининг танловига кўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биоан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлимлари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган наشرларни навбатдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Наشرлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта хизматида мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган

тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи наشرларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Акцепт мuddати 2019 йил 31 августгача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

13. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли наشرларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

14. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олманган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

15. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайдан бошлаб 7 (етти) иш кунни мобайнида хабардор қилишлари керак.

16. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

17. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2019 йил 31 августгача.

18. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкида МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326010039431.

Тел./факс (371) 200-00-30.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
«**NORMA DAVRIY NASHRLARI**»
МЧЖ директори.

Соддалаштирилган ҚҚС бўйича ҳисоботда ушбу операцияни қуйидагича акс эттиринг:

- маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСсиз ишларни реализация қилиш қийматини (67 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобининг 010-сатрида тегшли фаолият тури устунида акс эттиринг.

Объектни сотиш учун қуришда

Объект бўйича харажатларни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида жамланг, сўнг уларни 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётига ўтказинг. Кўп квартиралар турар жой қураётган бўлсангиз, алоҳида квартираларни тайёр маҳсулот сифатида ҳисобга олинг.

Объектни реализация қилиш қийматидан келиб чиқиб харидорга ҚҚСни ҳисобланг (Солиқ кодексининг 204, 226-3-моддалари).

Объектни сотиш учун қуришда маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирманг, сабаби ушбу ҳолатда буюртмачи ҳам, пудратчи ҳам ўзингиз бўласиз.

Бухгалтерия ҳисобида қурилган объектнинг яхлитлигича ёхуд қисмларга бўлиб реализация қилинишини қуйидагича акс эттиринг:

Хужалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Олди-сотди шартномаси бўйича харидордан аванс олинди	5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5530-«Бошқа махсус счётлар»	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»
Объектни қуриш харажатлари акс эттирилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар», 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар», 6010-«Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар», 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблаш», 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ва б.
Тайёр маҳсулот – қурилган объект сотиш шартларига кўра яхлитлигича ёки қисмларга бўлган ҳолда ҳисобга олинди	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»
Тайёр маҳсулотни реализация қилишдан тушум акс эттирилди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»
Реализация қилиш қийматидан ҚҚС ҳисобланди		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Харидордан олинган аванс ҳисобга олинди	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»

ҚҚС бўйича ҳисоботда қурилган объект реализация қилинишини қуйидагича акс эттиринг:

- ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСсиз объектни реализация қилиш қийматини ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 3-устуни 0102-сатрида акс эттиринг.

Бажарилган ишларни ёки қурилган объектни реализация қилиш қиймати таннархидан паст бўлиб чиқса, бюджетга тўланадиган ҚҚСни қуйидагича ҳисобланг:

- 20%лик ставкада ҚҚС тўласангиз, таннархдан келиб чиқиб;
- соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчиси бўлсангиз, таннархни ҳисобга олмасдан, реализация қилиш қийматидан келиб чиқиб.

«Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Давоми бор.

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

10

СОЛИҚ ВА
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

www.buxgalter.uz

№ 31 (1303) • 2019 йил 30 июль

СОЛИҚ
ВА
БОЖХОНА

Бухгалтерия ҳисобида товарларнинг воситачи орқали реализация қилинишини қуйидагича акс эттиринг:

Хужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Воситачига юкхат асосида товар берилди	40 000	2960-«Комиссияга берилган товарлар»	2910-«Омбордаги товарлар»
Воситачи ҳисоботи асосида товарни реализация қилишдан даромад акс эттирилди	52 500	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Реализация қилинган товар бўйича ҚҚС ҳисобланди	10 500		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилинган товар таннархи ҳисобдан чиқарилди	40 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2960-«Комиссияга берилган товарлар»
Воситачига воситачилик ҳақи (5%) ҳисобланди (3 000 / 107 x 100)	2 803,738	9410-«Сотиш харажатлари»	
Воситачилик ҳақи суммасидан ҚҚС ҳисобга олинди (3 000 / 107 x 7)	196,262	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачига қўшимча воситачилик ҳақи (қўшимча нафнинг 50%) ҳисобланди (1 500 / 107 x 100)	1 401,869	9410-«Сотиш харажатлари»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»
Қўшимча воситачилик ҳақи суммасидан ҚҚС ҳисобга олинди (1 500 / 107 x 7)	98,131	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»
Воситачилик ҳақи бўйича қарз ҳисобга олинди (3 000 + 1 500)	4 500	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»
Воситачидан пул маблағлари келиб тушди (63 000 – 4 500)	58 500	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»

Воситачи реализация қилган товар суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурани қуйидагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	1-товар	дона	10 000	5 250	5 250 000	20%	1 050 000	63 000 000
	Жами тўлашга: олтиш уч миллион сўм					5 250 000	1 050 000	63 000 000

ҚҚС бўйича ҳисоботда (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ушбу операцияни қуйидагича акс эттиринг:

- реализация қилинган товар суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- воситачининг воситачилик ҳақи умумий суммасига (4 500 минг сўм) ёзилган ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш олиш реестрига киритинг;
- товарни ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (52 500 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича оборотлар» иловасининг 3-устуни 0102-сатрида акс эттиринг.

ҚҚСни соддалаштирилган тартибда тўласангиз, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда бутун воситачилик ҳақи суммасини сотиш харажатларига киритинг.

2-ВАЗИЯТ. 6%лик ставкада соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи комитент ўз товарларини 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи воситачи орқали реализация қилади

Воситачига берилган товар таннархи – 40 000 минг сўм. Товарни реализация қилишнинг келишилган қиймати 6% ҚҚСни ҳисобга олганда – 53 000 минг сўм. Воситачилик ҳақи реализация қилинган товар қийматининг 5%и – 2 650 минг сўмин (53 000 x 5%) ташкил этади.

№ 31 (1303) • 2019 йил 30 июль

9

№ 31 (1303) • 2019 йил 30 июль

www.buxgalter.uz

СОЛИҚ ВА
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

3

Бухгалтерия ҳисобда товарларнинг воситачи орқали реализация қилинишни куйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспондентсияси	
		дебет	кредит
Воситачига юкхат асосида товар берилди	40 000	2960-«Комиссияга берилган товарлар»	2910-«Омбордаги товарлар»
Воситачи ҳисоботи асосида товарни реализация қилишдан даромад акс эттирилди (53 000 / 106 x 100)	50 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Реализация қилинган товар бўйича ҚҚС ҳисобланди (53 000 / 106 x 6)	3 000		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилинган товар таннархи ҳисобдан чиқарилди	40 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2960-«Комиссияга берилган товарлар»
Воситачига воситачилик ҳақи ҳисобланди	2 650	9410-«Сотиш харажатлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачилик ҳақи бўйича қарз ҳисобга олинди	2 650	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»
Воситачидан пул маблағлари келиб тушди (53 000 - 2 650)	50 350	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»

Воситачи реализация қилган товар суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурани куйидагича тўлдириг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	
1	1-товар	дона	10 000	5 000	50 000 000	6%	3 000 000	53 000 000
Жами тўлаша: эллик уч миллион сўм					50 000 000		3 000 000	53 000 000

Соддалаштирилган ҚҚС бўйича ҳисоботда ушбу операцияни куйидагича акс эттиринг:

- реализация қилинган товар суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- воситачининг воситачилик ҳақи суммасига ёзилган ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиб олиш реестрига киритинг;
- товарни ҚҚСsiz реализация қилиш қийматини (50 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобининг 010-сатрида тегишли фаолият тури устунида акс эттиринг.

Қурилиш ишлари бўйича

Қурилиш ишларига кўшилган қиймат солигини солиш ва уларни ҳисобда акс эттириш тартиби куйидагиларга боғлиқ:

- қурилиш варианты;
 - қурилишни моддий ресурслар билан таъминлаш усули.
- Қурилишнинг куйидаги вариантлари амалга оширилиши мумкин:

1) қурилиш пудрати шартномаси (ФКнинг 666-моддаси) бўйича ишларни бажариш. Сиз пудратчи сифатида буюртмачининг топшириги билан муайян объектни курасиз ёхуд қурилатган ёки фаолият юритаётган объектда қандайдир алоҳида ишларни бажарасиз. Масалан, монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш, пардозлаш, сантехника ва ҳ.к. Бу ҳолатда қурилиш объектини балансингизга кириш қилманг. Ишлар бажарилишини ҳисобда 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти орқали акс эттиринг;

2) объектни сотиш учун қуриш – ишлаб чиқариш ёки маъмурий бино, турар жойни (у яхлитлигича ёки алоҳида квартиралар сотилиши мумкин) ва ҳ.к. Бу ҳолда қурилиш объектни балансингизга кириш қилинг ва ишлаб чиқарилган

маҳсулот сифатида 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида акс эттиринг;

3) ўз эҳтиёжлари учун ишларни бажариш – ўз кучи билан (хўжалик усулида) ёки пудратчиларни жалб этиб (пудрат усулида). Бундай ишларни бажариш учун харажатларни, объектни таъмирлаётган бўлсангиз, харажатларни ҳисобга олувчи счётларга ҳисобдан чиқаринг (объектдан фойдаланиш мақсадига қараб), уни қуриб битказётган ёки реконструкция қилаётган бўлсангиз, объект қийматида киритинг;

4) ўз эҳтиёжлари учун объектни қуриш. Объектни ҳам икки хил усулда – ўз кучи билан ёхуд пудратчиларнинг ёрдамида қуриш мумкин. Қурилиш харажатларини 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида жамланг; сўнг объект фойдаланишга топширилаётганда уни 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётининг дебети бўйича кириш қилинг.

Сўнгги икки ҳолатда ҚҚС ҳисоблаш мажбурияти юзга келмайди (Солиқ кодексининг 199-моддаси 2-қисми 3-банди).

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

№ 31 (1303) ■ 2019 йил 30 июль

10

ҚҚС бўйича ҳисоботда ушбу операцияни куйидагича акс эттиринг:

- маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСsiz ишларни реализация қилиш қийматини (67 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 3-устуни 0102-сатрида акс эттиринг.

Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчилар қурилишда буюртмачининг материалларидан фойдаланганда 20%лик ставкада ҚҚС тўловчилар сингари солиқ суммасини ҳисоблайдилар ва маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирадilar.

2-ВАЗИЯТ. 8%лик ставкада соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи пудратчи буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажаради

Пудрат шартномасига кўра буюртмачи қурилишни 10 000 минг сўмлик материаллар билан қисман таъминлайди. Пудратчи ҳисобланган пудратчининг бошқа харажатлари фозини ҳисобга олган ҳолда ҚҚСsiz жами 75 000 минг сўмлик ишларни бажарди. Шу жумладан буюртмачи материалларининг қиймати 8 000 минг сўмни ташкил этди. Фойдаланилмаган материалларни пудратчи буюртмачига қайтарди.

Бухгалтерия ҳисобда буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда ишларнинг бажарилишини куйидагича акс эттиринг:

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
1.	Буюртмачидан қабул қилинган давал материаллари кириш қилинди	10 000	003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»	
2.	Давал материаллари қиймати ҳисобга олинмаган ҳолда бажарилган ишлар буюртмачига тўлов учун тақдим этилди (75 000 - 8 000)	67 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
3.	Давал материаллари қиймати ҳисобга олинмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматидан ҚҚС ҳисобланди (67 000 x 8%)	5 360		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
4.	Ишларни бажаришда фойдаланилган давал материаллари ҳисобдан чиқарилди	8 000		003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»
5.	Фойдаланилмаган материаллар буюртмачига қайтарилди (10 000 - 8 000)	2 000		003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»

Маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани куйидагича тўлдириг:

Т/р	Объектлар, босқичлар, иш турлари, ускуналар номи	Ҳажми	Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)													
			Физик кўрсаткичлардаги ишларнинг ҳажми		Шартномавий жорий нархлардаги қиймати (минг сўмда)		қурилиш бошланганидан			йил бошидан			ш.ж. ҳисобот даврида			
			Ҳажми	ш.ж. жорий йилда	Ҳажми	ш.ж. жорий йилда	Физик кўрсаткичларда	Ҳажми ишлар ҳажмига %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	Шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	Физик кўрсаткичларда	Ҳажми ишлар ҳажмига %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	Шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	Физик кўрсаткичларда	Ҳажми ишлар ҳажмига %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	Шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	...															
2	...															
	Жами	X			75 000	75 000			75 000			75 000			75 000	
	Буюртмачининг материаллари				8 000	8 000			8 000			8 000			8 000	
	Буюртмачининг материаллари ҳисобга олинмаган ҳолда жами				67 000	67 000			67 000			67 000			67 000	
	8% ҚҚС	X	X	X	5 360	5 360	X	X	5 360	X	X	5 360	X	X	5 360	
	ҚҚСsiz ҳисобга олган ҳолда жами	X	X	X	72 360	72 360	X	X	72 360	X	X	72 360	X	X	72 360	

4

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

www.buxgalter.uz

№ 31 (1303) ■ 2019 йил 30 июль

№ 31 (1303) ■ 2019 йил 30 июль

www.buxgalter.uz

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

9

Маълумотнома-хисобварақ-фактурани расмийлаштирамиз

Маълумотнома-хисобварақ-фактурада бажарилган ишлар ва буюртмачининг материаллари қийматини қуйидагича акс эттиринг (*Кўрсатмаларнинг 7-банди*):

- «Жами» сатрида – бутун суммага пудратчининг бошқа харажатлари фоизи ҳисобланган ҳолда буюртмачининг материаллари ҳисобга олинган ва ҚҚСсиз ишларнинг қиймати;
- «Буюртмачининг материаллари» сатрида – пудратчининг бошқа харажатлари фоизи ҳисобланмаган ҳолда ишларни бажаришда сарфланган ва ҚҚСсиз буюртмачи материалларининг қиймати;

1-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи пудратчи буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажаради

Пудрат шартномасига кўра буюртмачи қурилишни материаллар билан қисман таъминлайди. У берган материаллар қиймати 10 000 минг сўмни ташкил этди. Пудратчи ҳисобланган пудратчининг бошқа харажатлари фоизини ҳисобга олган ҳолда ҚҚСсиз жами 75 000 минг сўмлик ишларни бажарди. Шу жумладан буюртмачи материалларининг қиймати 8 000 минг сўмни ташкил этди. Фойдаланилмаган материалларни пудратчи буюртмачига қайтарди. Бухгалтерия ҳисобида буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда ишларнинг бажарилишини қуйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Буюртмачидан қабул қилинган дával материаллари кирим қилинди	10 000	003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»	
Дával материаллари қиймати ҳисобга олинмаган ҳолда бажарилган ишлар буюртмачига тўлов учун тақдим этилди (75 000 – 8 000)	67 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Дával материаллари қиймати ҳисобга олинмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматидан ҚҚС ҳисобланди (67 000 x 20%)	13 400		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Ишларни бажаришда фойдаланилган дával материаллари ҳисобдан чиқарилди	8 000		003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»
Фойдаланилмаган материаллар буюртмачига қайтарилди (10 000 – 8 000)	2 000		003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»

Маълумотнома-хисобварақ-фактурани қуйидагича тўлдириш:

Т/р	Объектлар, босқичлар, иш турлари, ускуналар номи	Урч. бирл.	Физик кўрсаткичлардаги ишларнинг ҳажми		Шартномавий жорий нархлардаги қиймати (минг сўмда)		Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)														
			жами	ш.ж. жорий йилда	жами	ш.ж. жорий йилда	қурилиш бошланганидан					йил бошидан					ш.ж. ҳисобот даврида				
							физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-устп. / 4-устп. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-устп. / 4-устп. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-устп. / 4-устп. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16						
1	...																				
2	...																				
	Жами	X			75 000	75 000			75 000			75 000			75 000						
	Буюртмачининг материаллари				8 000	8 000			8 000			8 000			8 000						
	Буюртмачининг материаллари ҳисобга олинмаган ҳолда жами				67 000	67 000			67 000			67 000			67 000						
	20% ҚҚС	X	X	X	13 400	13 400	X	X	13 400	X	X	13 400	X	X	13 400						
	ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда жами	X	X	X	80 400	80 400	X	X	80 400	X	X	80 400	X	X	80 400						

СОЛИК ВА БОЖХОНА АВАЖЛАШТИРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИДАГИ ИШЛАРНИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА

Пудрат шартномаси бўйича

- Қурилишни ушбу вариантида қуйидагилардан фойдаланишингиз мумкин:
- фақат ўз материалларингиздан;
- фақат буюртмачининг материалларидан;

- ўзингизнинг ва қисман буюртмачининг материалларинингиз мумкин;
- Қурилишни материаллар билан таъминлаш тартибини албатта пудрат шартномасида белгиланг.

Ўз материалларидан фойдаланган ҳолда пудрат ишларини бажаришда

Фақат ўз қурилиш материалларингиздан фойдалансангиз, ҚҚСни сарфланган материалларни ҳисобга олган ҳолда ишларнинг умумий қийматидан келиб чиқиш ҳисобланган (Солиқ кодексининг 204-моддаси 5-қисми).

Ишлар қиймати уларнинг физик кўрсаткичларда ифодаланган ҳақиқий ҳажмидан ва шартномавий (смета) нархлардан келиб чиқиш ҳисобланади. Ишларнинг умумий қийматида қуйидагиларни ҳам ҳисобга олинг:

- транспорт ва тайёрлов-омборхона харажатлари – материаллар, буюмлар, конструкциялар ва ускуналарни харид қилиш харажатлари суммасидан фоиз сифатида;

- қурилишни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш тусидаги харажатлар. Улар пудратчининг ҳақиқий харажатлари асосида муайян базавий давр (одатда, бир йил) учун ўрта ҳисобда аниқланади;
- пудратчининг бошқа харажатлари – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда ишларнинг умумий қийматидан фоиз сифатида.

Одатда, ишлар қийматини корхонанинг ишлаб чиқариш-техник ходимлари ҳисоблайдилар. Унга 20% ёки 8%лик (соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўласангиз) ставкадаги ҚҚС суммасини қўшинг, маълумотнома-хисобварақ-фактурани расмийлаштириш ва тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этинг.

Маълумотнома-хисобварақ-фактурани расмийлаштирамиз

Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) тўғрисида маълумотнома-хисобварақ-фактура (ВМнинг 21.05.2004 йилдаги 02-5-56-сон протокол қарори билан тасдиқланган) – фақат қурилишда қўлланиладиган бошланғич ҳужжат. У қурилиш ишлари бажарилганлиги далилини ва қийматини тасдиқлайди, яъни бажарилган ишлар далолатномасининг ҳам, ҳисобварақ-фактуранинг ҳам кўрсаткичларини ўзида жамлайди. Маълумотнома-хисобварақ-фактура ортиб борувчи яқун билан тўлдирилади, ҳисобот оyi учун, йил

бошидан ва қурилиш бошланганидан бошлаб физик ва қиймат кўрсаткичлари бўйича бажарилган ишлар ҳажмини акс эттиради.

Маълумотнома-хисобварақ-фактурани расмийлаштиришда объектлар қурилишида бирламчи ҳисоб шакли «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) тўғрисида маълумотнома-хисобварақ-фактура»ни тўлдириш бўйича кўрсатмаларни (Республика комиссиясининг 2.02.2009 йилдаги 1-сон баённомасига 2-илова) қўлланг.



Хисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклидаги барча реквизитларни маълумотнома-хисобварақ-фактурада акс эттирсангиз, шу жумладан ҚҚС ставкаси ва суммасини ажратиб кўрсатсангиз, алоҳида хисобварақ-фактурани расмийлаштирмаслигингиз мумкин (Тартибнинг 21-банди, 3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

1-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи пудратчи ўз материалларидан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажаради

Пудрат шартномасига кўра пудратчи ўз материалларидан фойдаланган ҳолда буюртмачининг офисидида таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаради. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ҚҚСни ҳисобга олмаганда ишларнинг қиймати 60 000 минг сўмни ташкил этади. Буюртмачи пудратчига 24 000 минг сўм миқдоридида аванс ўтказди. Пудратчи ҚҚСсиз 60 000 минг сўмлик миқдордаги ишларни тўлиқ ҳажмда бажарди. Солиқ 12 000 минг сўм (60 000 x 20%) миқдоридида ҳисобланди. Ишларнинг ишлаб чиқариш таннархи – 40 000 минг сўм. Бухгалтерия ҳисобида ишларнинг ўз материалларидан фойдаланиб бажарилишини қуйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Буюртмачидан аванс келиб тушди	24 000	5110-«Хисоб-китоб счёти»	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»
Бажарилган ишлар таннархи акс эттирилди	40 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар», 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар», 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш», 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ва б.
Буюртмачи томонидан имзоланган маълумотнома-хисобварақ-фактурага асосан бажарилган ишларни реализация қилишдан даромад акс эттирилди	60 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Бажарилган ишлар қийматидан ҚҚС ҳисобланди	12 000		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

№ 31 (1303) ■ 2019 йил 30 июль 11

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Сўётлар корреспондентияси	
		дебет	кредит
Бажарилган ишлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	40 000	9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Олинган аванс ҳисобга олинди	24 000	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар»
Бажарилган ишлар учун пул маблағлари келиб тушиди (60 000 + 12 000 – 24 000)	48 000	5110-«Ҳисоб-китоб сўёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар»

Маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани куйидагича тўлдилинг:

Т/р	Объектлар, босқичлар, иш турлари, ускуналар номи	Улч. бирл.	Физик кўрсаткичлардаги ишларнинг ҳажми		Шартномавий жорий нархлардаги қиймати (минг сўмда)		Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)								
			жами	ш.ж. жорий йилда	жами	ш.ж. жорий йилда	қурилиш бошланганидан			йил бошидан			ш.ж. ҳисобот даврида		
							физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	...														
2	...														
	Жами	X			60 000	60 000			60 000			60 000			60 000
	20% ҚҚС	X	X	X	12 000	12 000	X	X	12 000	X	X	12 000	X	X	12 000
	ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда жами	X	X	X	72 000	72 000	X	X	72 000	X	X	72 000	X	X	72 000

ҚҚС бўйича ҳисоботда ушбу операцияни куйидагича акс эттиринг:

- маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСиз ишларни реализация қилиш қийматини (60 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 3-устуни 0102-сатрида акс эттиринг.

2-ВАЗИЯТ. 8%лик ставкада соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи пудратчи ўз материаллардан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажаради

Пудрат шартномасига кўра пудратчи ўз материалларидан фойдаланган ҳолда буюртмачининг офисиди таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаради. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ҚҚСни ҳисобга олмаганда ишларнинг қиймати – 60 000 минг сўм. Буюртмачи пудратчига 24 000 минг сўм миқдориди аванс ўтказди.

Пудратчи ҚҚСиз 60 000 минг сўмлик миқдордаги ишларни тўлиқ ҳажмда бажарди. ҚҚС 4 800 минг сўм (60 000 x 8%) миқдориди ҳисобланди. Ишларнинг ишлаб чиқариш таннархи – 40 000 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобиди ишларнинг ўз материалларидан фойдаланиб бажарилишини куйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Сўётлар корреспондентияси	
		дебет	кредит
Буюртмачидан аванс келиб тушиди	24 000	5110-«Ҳисоб-китоб сўёти»	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»
Бажарилган ишлар таннархи акс эттирилди	40 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи сўётлар», 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи сўётлар», 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашини», 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ва б.

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Сўётлар корреспондентияси	
		дебет	кредит
Буюртмачи томонидан имзоланган маълумотнома-ҳисобварақ-фактурага асосан бажарилган ишларни реализация қилишдан даромад акс эттирилди	60 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар»	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Бажарилган ишлар қийматидан ҚҚС ҳисобланди	4 800		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Бажарилган ишлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	40 000	9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Олинган аванс ҳисобга олинди	24 000	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар»
Бажарилган ишлар учун пул маблағлари келиб тушиди (60 000 + 4 800 – 24 000)	40 800	5110-«Ҳисоб-китоб сўёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар»

Маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани куйидагича тўлдилинг:

Т/р	Объектлар, босқичлар, иш турлари, ускуналар номи	Улч. бирл.	Физик кўрсаткичлардаги ишларнинг ҳажми		Шартномавий жорий нархлардаги қиймати (минг сўмда)		Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)								
			жами	ш.ж. жорий йилда	жами	ш.ж. жорий йилда	қурилиш бошланганидан			йил бошидан			ш.ж. ҳисобот даврида		
							физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)	физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажми %да (8-уст. / 4-уст. x 100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	...														
2	...														
	Жами	X			60 000	60 000			60 000			60 000			60 000
	8% ҚҚС	X	X	X	4 800	4 800	X	X	4 800	X	X	4 800	X	X	4 800
	ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда жами	X	X	X	64 800	64 800	X	X	64 800	X	X	64 800	X	X	64 800

Соддалаштирилган ҚҚС бўйича ҳисоботда ушбу операцияни куйидагича акс эттиринг:

- маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСиз ишларни реализация қилиш қийматини (60 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобининг 010-сатрида – тегишли фаолият тури устунида акс эттиринг.

Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда пудрат ишларини бажаришда

Буюртмачининг материалларидан фойдаланиб қурилиш ишларини бажараётганда ҚҚСни ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қийматидан (Солиқ кодексининг 204-моддаси 5-қисми) келиб чиқиб куйидаги формула бўйича ҳисобланг:

$$C_{\text{ҚҚС}} = (K_{\text{иш}} - B_{\text{иш}}) \times C_{\text{ҚҚС}}$$

$C_{\text{ҚҚС}}$ – ҚҚС суммаси;

$K_{\text{иш}}$ – буюртмачи материалларини ўз ичига олган ишлар қиймати;

$B_{\text{иш}}$ – буюртмачи материаллари қиймати;

$C_{\text{ҚҚС}}$ – ҚҚС ставкаси (фоизда).

Буюртмачи қурилишни тўлиқ ёки қисман материаллар билан таъмирлаш шартини пудрат шартномасида албатта назарда тутиш. Юқат ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан материалларни бериши тартибини ҳам қайд этинг.

Буюртмачи берадиган материалларга мулк ҳуқуқи унинг ўзиди сақланишини шартномада қайд этинг. Фақат шу ҳолатда ҚҚСни ҳисоблашда уларнинг қийматини чегира оласиз. Қайта ишлашга қабул қилинган даввал хом ашёси билан бўлгани сингари, буюртмачидан олинган материалларни балансдан ташқари 003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» сўётида ҳисобга олинг. Улардан фойдаланишини махсус ҳисоботда акс эттиринг.

КОМПЕНСАЦИЯ: МИҚДОРДА ХАТО ҚИЛДИК

? Корхонамиз ходими 100 от кучига эга шахсий автомобилдан фойдаланилгани учун ишланган ойга ЭКИХнинг 4,5 баравари миқдорда, яъни 912 285 сўм компенсация олди. Июнь ойида 19 иш куни бор, у 14 кун ишлаб берган, 5 кун эса таътилда бўлган. Июнь ойида ишланган 15 иш куни учун компенсация 672 210 сўмга (912 285 / 19 x 14) тенг. Компенсация тўғри ҳисобланганми?

– Йўқ, меъёр доирасидаги компенсация суммаси нотўғри ҳисобланган.

Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари (хизмат сафарларидан ташқари) учун фойдаланганлик учун компенсация миқдорлари ва уни тўлаш Тартибга (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 3-илова) мувофиқ белгиланади.

Компенсация автомобиллар моторининг от кучи сонига қараб қуйидаги миқдорларда тўланади (Тартибнинг 4-банди):

От кучи сони	Бир ой учун компенсациянинг чекланган миқдори, энг кам иш ҳақи бараварида
100 дан юқори	4,5
70 дан 100 гача	3,5
70 гача	2



Сиз кўрсатган автотранспорт 100 от кучига эгаллиги сабабли шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация ойига ЭКИХнинг 3,5 баравари миқдорда тўланиши лозим.

Ходим таътилда, хизмат сафарига бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек, у бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган, шахсий автомобилдан фойдаланилмаган вақтлар учун компенсация тўланмайди (Тартибнинг 6-банди).

Ходим 2019 йил июнда 19 иш кунининг 5 куниди таътилда бўлган, ҳақиқатда 14 иш кунини ишлаб берган.

2019 йил июнь ойи учун меъёр доирасида тўланадиган компенсация суммаси 522 830 сўмга ((3,5 x 202 730) / 19 x 14) тенг.

КИРУВЧИ ҚҚС – ТАННАРХГА


? Ташкилотимиз тижорат турар жойларини қуриш билан шуғулланади. Турар жой мажмуини қуряпмиз, биринчи қаватлар ва ертўла нотурар жойга қиради. Мажмуа ишга туширилганидан кейин қуйидаги проводкаларни амалга оширдик: Дт 2810 – Кт 2010. Президентнинг 13.05.2019 йилдаги ПФ-5715-сон Фармонида мувофиқ бирламчи уй-жой бозорида реализация қилиш оборотлари 1.01.2020 йилга қадар ҚҚСдан озод қилинади. Тегишинча, бизда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар юзига келади. Солиқ солинмайдиган оборотга тўғри келадиган кирувчи ҚҚС ҳисобга олинмайди. ҚҚСни мутаносиб усулда ҳисобга олдик.

1. Қурилиш ташкилоти солиқ солинмайдиган оборотга тўғри келадиган кирувчи ҚҚСни квартираларнинг таннархига киритиши лозимми?

2. Бу қандай проводкалар билан амалга оширилади?

1 Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) қатъий амал қиладиган бўлса, ҳисобга олинмайдиган, яъни солиқ солинмайдиган оборотга тўғри келадиган ҚҚС 2 қисмга: таннархга ва давр харажатларига киритиладиган қисмларга ажратилиши лозим.

Таннархни шакллантирадиган харажатлар ҚҚС



билан бирга (корхона кейинчалик ҳисобга олинмайдиган ҚҚС тарзида қайтариб оладиганлардан ташқари) ҳисобга олиниши лозим (Низомнинг 1.1.12-банди). Бундай меъёр 4-сон БҲМС «Товармоддий захираларда (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган.

ҚҚСни ҳисобга олиш мутаносиб усулда юритиладиган корхоналар ҳисобга олинмаган ҚҚСни тайёр маҳсулот таннархига ва давр харажатларига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим. Лекин бу анча мураккаб жараён.

Қурилиш ташкилотининг давр харажатларидаги ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси унчалик катта эмас деб тахмин қиламиз. Шу сабабли ҳисобга олувчи операцияларга оид харажатлар улардан қўриладиган иқтисодий самарадан ошиб кетмаслиги учун жами ҳисобга олинмаган ҚҚСни

тайёр маҳсулот – квартира таннархига акс эттириш мумкин.

Фойда солигини ҳисоб-китоб қилишда квартиралар таннархини кирувчи ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш ва ҳисоб-китоб таннархини реализация қилиш нархи билан солиштириш керак (Солиқ кодексининг 130-моддаси).

2 Ҳисобга олинмайдиган ҚҚСни шакллантиришга оид барча ҳисобга олувчи операциялар ўтказиб бўлинган, 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ва 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётлари ёпилган пайтда у таннархда қандай акс эттирилади?

Афсуски, 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (ҚҚСни ҳисобга олиш)» счёти бўйича операциялар жадвалида (Йўриқноманинг 191-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова) ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (ҚҚСни ҳисобга олиш)» счётини харажатларга ҳисобдан чиқариш бўйича мисоллар келтирилмаган. Операция мазмунидан келиб чиқиб, шунингдек ҳисобни мураккаблаштираш учун қуйидаги проводкаларни тавсия қилиш мумкин:

Дт 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти – Кт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (ҚҚСни ҳисобга олиш)» счёти.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМА

«Best realtor» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзсаноатқурилишбанк Учтена филиалининг 2019 йил 22 июлдаги №02-1-23/3761-сонли буюртма хатига асосан, филиал балансидаги қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

- Тошкент шаҳри, Учтена тумани, Учтена қўчаси, 92-уйда жойлашган, умумий майдони 195,0 кв.м бўлган бино-ишпоети, бошлангич баҳоси – 163 461 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 30 август кунини соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмалар расмий иш куллари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2019 йил 29 август кунини соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк объектлари 2019 йил 30 август кунини бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда 2019 йил 16 сентябрь ва 2 октябрь куллари соат 11.00 да такрорий савдолари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртмаларни қабул қилиш савдо куниндан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- jismoniy шахслар учун - паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Талабдорлар объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Пойтахт минтақавий филиалининг АТБ «Kapitalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур қўчаси, 25-уй. Телефон: (99895) 144-66-55, сайт: www.emulk.uz, электрон почта: emulkuz@mail.ru. Лицензия RR-0225.

«КИЧИК» ОРМА
КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН
БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
 ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тошкент ш., Миробод тумани,
 Таллинмаржон кўч., 14.
 Тел. (998 71) 200-00-90.
 E-mail: office@norma.uz
 web: www.norma.uz

✓ АМАЛИЁТ

ЧЕГАРА БИЛМАС ДЎСТЛИК

«Жартепа» чегара божхона пости орқали Ургут туманига Тожикистон Республикасининг Панжикент туманидан меҳмонлар келди. Туман раҳбари бошчилигидаги гуруҳ таркибиде панжикентлик тадбиркорлар, фермерлар, маданият ва санъат ходимлари, зиёлилар бор эди.

«Чегара билмас дўстлик» деб номланган фестивал иштирокчилари «Жартепа» чегара постида тантанали кутиб олинди. Бу постдан ҳар куни икки мингдан ортиқ одам ва 150 га яқин транспорт воситалари ҳаракатланади. Чегарадан ўтган фуқароларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун божхона пости замонавий рентген аппарати, видеокузатув камералари ва техник назорат воситалари билан жиҳозланган. Биз тожикистонлик меҳмонлар билан бу ерда яратилган шарт-шароитлар тўғрисида суҳбат курдик.

Луқмон Курбонов,
Панжикент вилоят «Зарафшон» газетаси муҳаррири:

– Аждолларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, биз халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак. Чегаралар очилганидан бери биз ва ҳамкасбларимиз Самарқандга бир неча бор ташриф буюрдик. Маҳаллий газеталар фаолияти билан танишдик ва ўз тажрибамиз билан ўртоқлашдик. Албатта, маданий ва гуманитар алоқалар халқларимизни яқинлаштиради. Самарқандда тожик тилида «Овози Самарқанд» вилоят газетаси чоп этилади. Самарқанд давлат университетида эса тожик филологияси факультети ҳамда вилоятда тожик тилида дарс берадиган мактаблар мавжуд. Бугунги ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир тимсоли бўлди.

Матлуба Абдуллаева:
– Ўзбек-тожик давлат чегараси очилганини билганимдан сўнг, мен тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим. Утган йилнинг март ойида чегарани кесиб ўтиб, Ургут кийим-кечак бозорига йўл олдим. Аввалга бизнесим қандай юришар экан, деб бироз ҳайқидим. Божхона постида товарларни олиб кириши ва олиб чиқиш нормалари ахс эттирилган маълумотлар борлиги, қолаверса, божхоначиларнинг хайрихоҳлиги менга қувват бағишлади. Ҳозирда товарлар олиб кириши-олиб чиқиш тартиб-қоидаларини пухта ўзлаштириб олганман. Чегараларимиз очилиши икки мамлакат ишбилармонлари учун қулай имкониятлар яратади албатта.

Бунёд Сатторов, 50 ёшида:
– Турмуш ўртоғим билан бирга узоқ вақт кўрмаган қариндошларимни кўргани келдим. Панжикент билан қариндошларим яшайдиган кишлоқ орасидаги масофа 25–30 километрни ташкил қилади. Бироқ, пост ёпилганлиги сабабли бу вақт давомида Бекобод пости орқали 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтиш керак эди. Шу сабабли йиллар давомида қариндошларни кўролмай қолдик. Буларнинг бари ортда қолди. Энди эса бир неча дақиқали масофани босиб ўтиб, Самарқандга кириб келаяпман. Божхона назоратидан ўтиш ҳам кўп вақтни олмайди. Бугун атиги 10 дақиқа ичида божхона назоратидан ўтдик. Бу йўловчи-

лар учун жуда қулай. Чегаранинг очилиши ўзбек ва тожик халқини янада жиқлаштиради.

Мавлюда Абдурахмонова, 67 ёшида:
– Самарқанд доимо ўз зиёратгоҳлари билан машҳур бўлиб келган. Бу дийрда афсоналар мавжуд. Болалик хотираларим менга жуда қадрли. Самарқанд билан энг илиқ хотираларим бор. Бу ерда жуда меҳрибон ва меҳмондўст одамлар бор. Мен бу шаҳарга невараларим билан тарихий жойларни «кашиф этиш» учун кўпроқ келишни режалаштирмақдаман.

Отабек Шарипов, 31 ёшида:
– Мен Самарқандга шартномалар тузиш ва бизнесимни ривожлантириш учун келдим. Тожикистонда кичкина тўқимачилик корхонам бор. Ўзбекистондаги йирик корхоналар фаолияти билан танишиб ва тажриба орттириш учун Тошкентга бордим. Тажриба алмашиб, жуда кўп нарсаларни билиб олдим, ҳамкасбларим қандай ишлашини кўрдим. Энди тез орада мен ишлаб чиқарадиган маҳсулотимнинг сифатига эътибор қаратаман. Бундан ташқари, бугунги кунда икки мамлакат ишбилармонлари учун янги имкониятлар, бож имтиёзлари ва преференциалар мавжуд бўлиб, бу меннинг режаларим амалга оширишига ёрдам беради.

Суҳбатдан сўнг тожикистонлик меҳмонлар Ургут истироҳат боғида ташкил этилган туман тадбиркорлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасида бўлишди. Икки кўшни туман тадбиркорлари ҳамкорлик бўйича келишувларга эришди. Шундан сўнг боғдаги амфитеатрда Ургут ва Панжикент туманлари санъаткорлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси
Ахборот хизмати.

✓ ДУНЁ БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

СИЗГА ЖЎНГИНА САВОЛ БЕРИШАДИ.

Германия товарларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича дунё мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради. Мамлакатнинг божхона тизими ГФР божхона тизимининг вориси (1949 йилда ташкил этилган) ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини 1992 йил 21 декабрда қабул қилинган «Божхона маъмурияти тўғрисида»ги расмий ҳужжатга асосан олиб боради.

Германияда божхона тизими молия вазирлиги таркибига кириши ва у Бош божхона директорати ва маҳаллий божхона администрацияларидан ташкил топгандир. Бош директоратда тузилган тўққизта миллий бошқарма, божхона фаолиятини мувофиқлаштиради ва маҳаллий божхона органлари устидан юридик ва техник назорат ўрнатади. Иккита бошқарма кадрлар масаласи билан шуғулланади, оператив фаолият, бюджет ва бухгалтерияни назорат қилади, ахборот технологиялари соҳасидаги масалаларни ҳал этади.

Бож ва божхона тўловлари; акцизлар ва йўл солигини бошқариш; трансчегаравий ҳаракатларда муаммоларни тартибга солиш учун алоҳида бошқармалар ташкил этилган. Шунингдек, директорат таркибиде Божхона ҳуқуқи бошқармаси, Ноқонуний меҳнатни назорат қилиш бошқармаси, Жиноий ҳуқуқбузарликлар бошқармаси ва Таълим маркази мавжуд.

Немис божхона тизимида ишлайдиган 39 минг ходим томонидан йилига умумий қиймати тахминан 1 трлн еврога тенг 240 млн бирликдаги юклар оқимининг расмийлаштируви амалга оширилади. Германия божхона хизмати 2018 йил давомида давлат бюд-

жетига 140 млрд евро миқдоридеги тушумни таъминлаган, бу эса федерал давлат даромадининг ярмига яқин маблағ дегандир. Шундан 66,3 млрд евролик тушумлар божхона тўловлари ҳиссасига тўғри келади.

Қизғин шундаки, ноқонуний меҳнатни назорат қилиш бошқармаси 2 млрд евро миқдорда тушум келтирган бўлиб, мазкур бошқарма ходимлари томонидан 2018 йил давомида 50 мингдан ортиқ иш берувчилар текширилган ва натижада ноқонуний ишга жойлаштириш далиллари юзасида юз мингдан ортиқ жиноий иш қўзғатилган.

ЕИнинг кўпгина давлатлари каби Германиянинг қуруқликдаги чегаралари Шенген шартномаси (14 июнь 1985 йил)га аъзо давлатлар билан чегарадош бўлиб, муқим божхона назорати постлари мавжуд эмас. Фақат порт ва аэропортлардан мамлакатга кириш назорати амалга оширилади. Бу, темир йўл ва автомобильларда мамлакатга киришда божхона назоратига учрамайсиз дегани эмас, немис ҳуқуқни муҳофаза қилувчилари маҳоратли касб эгалари бўлиб, йиллар давомида контрабанда ва ҳудудга ноқонуний кирувчилар билан курашиш борасида бой иш тажрибаси ва ўта сезгирликка эгалар.

Божхона назоратидан ўтишда талаб этиладиган ҳужжатлар

Германиянинг божхона қондалари Шенген шартномасига кирган бошқа давлатлар каби ушбу ҳудудга кирувчилардан талаб этиладиган ҳужжатлар бўлишини назарда тутади. Божхона чегарасидан ўтиш тартиб-қоидалари ЕИ давлатлари учун ягона ҳисобланган ва Европа парламенти томонидан қабул қилинган қондалар асосида амалга оширилади. Агар шахс Германияга қуруқлик-

даги чегаралар орқали кирган бўлса, бу шахснинг ЕИ давлатлари фуқароси эканлигини ёхуд Шенген ҳудудида кирувчи давлатларнинг божхона хизмати назоратидан ўтиш орқали Германияга кириб келганини аниқлади. Шу сабабли шахс Германия ҳудудида бирор марта божхона хизмати билан юзма-юз келмаслиги мумкин, бундан шахсий автотранспорт билан кириб келиш мустасно.

Аэропортда божхона хизмати

Аэропортда божхона назоратидан аввал фуқаролар паспорт назоратини амалга оширувчи чегара хизматидан ўтади. Немис аэропортларида одатда икки тоифадаги паспорт назорати йўлаги белгиланган бўлиб, биридан ЕИ давлатлари фуқаролари, иккинчисидан унга аъзо бўлмаган давлатлар фуқаролари ўтадилар.

Чегарачи фуқаролардан юқорида қайд этилган барча ҳужжатларни (сафарнинг максаси ва давомийлигини тасдиқловчи ҳужжат) талаб қилади ва бир нечта саволлар бериши мумкин. Баъзи саволлар божхонага тааллуқли бўлиши эҳтимолдан холи эмас, масалан: юкинги орасида тақиқланган товарлар борми, нақд валютангиз миқдори ва ҳоказога ўхшаш саволлар. Шунинг учун жавобларнинг чегара ва божхона

хизмати ходимларига бир хилда бўлиши ортиқча расмийчиликларга олиб келмайди. Чегара назоратидан ўтиб, юклар олинганидан сўнг шахслар икки чиқиш йўлига дуч келадилар. Биринчи йўлак бўлиб, унда «Anmeldefrei Waren» ва «Nothing to Declare» ёзуви ўрнатилган – ундан юклар орасида олиб кирилиши тақиқланган товарлар йўқ ва декларацияланиши лозим бўлмаган товарларга эга шахслар ҳаракатланади. Божхона хизмати ходимлари ушбу йўналишдаги шахс ва юкларни фақат шубҳали кўринганда назоратдан ўтказиши мумкин.

Қизил йўлакда «Anmeldepflichtige Waren» ва «Goods to Declare» ёзуви ўрнатилган – ундан юклар орасида немис қонунчилигига асосан декларацияланиши лозим бўлган товар-

ПОЧТА ОРҚАЛИ «ҒАРАЗЛИ САЛОМ»

Божхона органларининг асосий вазифаларидан бири божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси жорий йилнинг 6 оyi давомида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни почта жўнатмалари орқали ўтказишга уринилган 65 ҳолатга чек қўйган. Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (12.11.2015 йилдаги 330-сон) билан Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг рўйхатлари тасдиқланган.

Аммо шунга қарамай, почта жўнатмалари орқали таркибида шундай моддалар мавжуд бўлган почта жўнатмалари тез-тез учраб туради. Тошкент шаҳар бож-

хона бошқармасининг «Бош почтамт» ТИФ божхона пости ходимлари хориждан И.Р. номига юборилган почта жўнатмасини божхона кўригидан ўтказишганда божхона декларациясида кўрсатилмаган 200 дона «Rivotrin» номи таркибида психотроп моддалар мавжуд дори воситаси борлиги фош этилди.

Фуқаролар К.Л., К.С., А.С. ва Б.О. номига юборилган почта жўнатмаларида эса мамлакатимизга олиб кирилиши тақиқланган жами 280 дона «Zaldiar», «Rokacet» ва «Нормопресан» номи дори воситалари борлиги аниқланди.

Яна бир ҳолатда С.А. номига келтирилган почта жўнатмасида 160 грамм кўкнори ўсимлиги уруғлари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари бошлаб юборилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон божхона чегараси орқали қонунга ҳилоф равишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб ўтилиши Жиноят кодексининг 246-моддаси тегишли қисми билан жиноий жавобгарликка тортишига асос бўлиб, жавобгарликка тортилган шахслар 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланиши мумкин.

Нодирбек УСМОНОВ,

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Айрим фуқаролар хорижда ишлаб чиқарилган, аммо божхона расмийлаштирувидан ўтмаган ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган алкоғоли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини республикамизга ноқонуний равишда олиб киришга бўлган уринишлар учрамоқда.

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАРГА
ЙЎЛ БЎЛСИН

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашди. Жумладан, «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари мамлакатимизга кириб келган поезд йўловчиларидан бирининг юкларини божхона назоратидан ўтказганда улар орасида божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган ва йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган 10,5 млн сўмлик 170 литрдан ортиқ пиво ичимликлари борлигини аниқлашди.

Шунингдек «Алмата-Нукус» йўналиши билан кириб келган поезд йўловчиларидан Б.М. ва К.О.нинг юклари белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди. Натижада юклар орасида божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган ва йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган салкам 13 минг дона электрон сигареталар, салкам 90 кг болалар бўтқаси ва бошқа маҳсулотлар борлиги маълум бўлди. Аниқланган товарларнинг умумий қиймати 51,1 млн сўми ташкил этар экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

ДБК Ахборот хизмати.

ЛЕКИН БУ ҚУРУҚ РАСМИЯТЧИЛИК ЭМАС

ларга эга шахслар ҳаракатланади. Ушбу йўлак орқали ҳаракатланувчи шахслар декларация тўлдирдилар ва албатта божхона назоратидан ўтадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-

Хавфни бошқариш тизими

Германия Европа Иттифоқи аъзо мамлакат бўлганлиги сабабли хавфни бошқариш тизимини қўллаш ЕИнинг бу соҳадаги ҳужжатларига асосланади. Германия божхона хизматида хавфни бошқариш тизими маълумотларни автоматик тарзда баҳолаш орқали давлат учун солиқлар бўйича зиён кўриш хавфини камайтиришга қаратилган. Хавфни бошқариш тизими хавфлар тақлашда унинг хусусиятига, товарнинг келиб чиқишига, ТИФ қатнашчисига, шунингдек товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасини кесиб ўтишидан аввал текшириш бўйича қарор қабул қилишга имкон беради. Бу эса, шубҳасиз, божхона расмиятчилигини соддалаштиришда қўл келади.

Германия божхона органлари ЕИга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан савдо соҳасида халқаро товарлар ҳаракатига нисбатан хавфли вазиятларни ҳам баҳолайди.

Германияда жойлашган хавфни таҳлил қилиш маркази (Riskoanalyse Zoll – ZORA) махсус тузилма бўлиб, унинг мақсади божхона назоратини амалга ошириш учун хавф профил-

ки, агар юклар орасида сотиш учун мўлжалланган товар олиб кириладиган бўлса ва у божсиз олиб кириш тоифасига кирган бўлса ҳам шахс албатта қизил йўлақдан ўтиши ва уни декларациялаши лозим.

ларини ишлаб чиқишдан иборат.

Биргина наркотик моддаларнинг ноқонуний ҳаракати юзасидан хавфни бошқариш ва «информаторлар» тизими орқали 2018 йили Германия божхона органлари томонидан 3 тоннадан ортиқ кокаин ва 9 тоннага яқин бошқа турдаги наркотик моддалар муомаласининг олди олинди.

Хавфни бошқариш тизими тузилмаси учта: марказий, минтақавий ва маҳаллий даражага эга. Хавфларни бошқариш стратегиялари биринчи даражада қабул қилинади ва солиқ операциялари билан боғлиқ бўлади. Минтақа даражасида бевосита Хавфни бошқариш тизими схемасини баҳолаш амалга оширилади, у якунига етказилади ва керак бўлганда федерал даражада қайта кўриб чиқилади. Хавфни бошқариш маҳаллий даражасида солиқ органлари томонидан қўлланилиб, улар томонидан ташқи солиқ аудити учун танланган ҳолатлар текширилиши мумкин.

Хавфларни марказлашган ҳолда таҳлил қилиш билан бир қаторда, ТИФ қатнашчисига марказлашмаган ҳолда баҳо бериш (Dezentrale

Beteligenbewertung – DEBBI) мавжуд бўлиб, унга мувофиқ янги пайдо бўлган савдо иштирокчиси ҳақида мулоҳаза қилиш мумкин бўлади. Ушбу баҳолаш субъект ҳақидаги ахборотни қайта ишлашга жиддий таъсир қилади ва у яхши ёки ёмон томонга ўзгартириш учун қайта кўриб чиқиши мумкин. Шу билан бирга, бундай иш хавф профили учун кўр-

сатмаларни қўшимча равишда шакллантириши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз божхона тизимида амалга ошириладиган ислохотлар ушбу Европа давлати божхона тизимининг босиб ўтган йўлига ҳамоҳанг келаётгани ислохотларимизнинг тўғри йўналишда кетаётганидан далолат беради.

Ахрор АКБАРОВ,

ДБК Божхона институти доценти, божхона хизмати полковниги, Алишер УЗОҚОВ,

ДБК Божхона институти катта ўқитувчиси, божхона хизмати подполковниги.

✓ Агар Германияга кирмоқчи бўлсангиз...

- 200 дона сигарета, 100 дона сигарилла, 50 дона сигара, 250 грамм тамаки;
- агар олиб ўтувчи 17 ёшдан кичик бўлмаса: ўтқирлиги 22% дан юқори бўлган спиртли ичимликлар, ўтқирлиги 80% ёки ундан юқори бўлган денатурацияланмаган спирт (1 литргача), ўтқирлиги 22% гача бўлган спирт ва спиртли ичимликлар (2 литргача), кўтирмайдиган шароб (4 литргача) ва 16 литргача пиво;
- саёҳатчининг шахсий эҳтиёжлари учун зарур миқдордаги дори-дармон;
- ҳар бир транспорт воситаси учун транспорт воситасининг асосий бакида мавжуд миқдорда ва ташилладиган идишда 10 литргача бўлган миқдорда мотор ёқилгиси ва бошқа товарлар;
- 300 еврогача, ҳаво/денгиз орқали саёҳат қилувчилар учун 430 еврогача, 15 ёшгача бўлган саёҳатчилар учун 175 еврогача маблағни шахсий эҳтиёж учун олиб кириладиган товарлар сифатида бож тўловларисиз олиб кирса бўлади.

Олиб ўтиладиган товарларингиз юқорида келтирилган меъёрлардан ортган тақдирда импорт божларини тўлашга мажбур бўласиз.

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУГУРТА ҚАНЧАГА ТУШАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҚХТБТ порталида «Мажбурий тиббий сугурта тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини эълон қилди, у 2021 йил 1 январдан кучга кириши керак.

Таклиф этилаётган қонуннинг мақсади – Ўзбекистон фуқароларининг малакали тиббий ёрдам олиш ҳамда мажбурий тиббий сугуртанинг (МТС) ҳуқуқий, ташкилий, молиявий асослари ва тамойилларини белгилаш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида МТС соҳасида юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш.

МТСнинг асосий тушунча ва тамойиллари белгиланди. Тушунчалар аппарати бепул тиббий-ижтимоий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми, тиббиёт муассасалари, уларнинг турлари, тиббий хизмат ва бошқа тавсифларни ўз ичига олган.

МТСнинг асосий тамойилларига қуйидагилар кирди:

- ижтимоий мақоми ва киритган йиғими (бадали) миқдоридан қатъи назар, барча сугурталанган шахслар тиббий хизматлардан тенг фойдаланади;
- тиббий хизматлардан ҳудудларда тенг фойдаланилади;
- ҳамёнбоп ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан мажбурий тиббий сугурта учун йиғим ва бадаллар миқдорини Президент тасдиқлайди.

Қонун қимларга татбиқ этилади

Қонун қуйидагиларга нисбатан амал қилади:

- бепул тиббий ёрдам ва МТСнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган сугурталанган шахслар;
- иш берувчи бўлган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, тиббий хизматларни етказиб берувчилар, Мажбурий тиббий сугурта жамғармаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек МТС соҳасида фаолият юритувчи бошқа шахслар.

Ўзбекистон фуқаролари, бу ерда доимий яшовчи хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек кириш «инвестиция визаси» олган хорижий инвесторлар, уларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва фарзандлари мажбурий тиббий сугурталанишлари лозим бўлади.

Сугурталанган шахслар, тўловчилар, аккредитацияланган тиббий хизматларни етказиб берувчилар ва Жамғарма мажбурий тиббий сугурта субъектлари ҳисобланади.

Жамғарма бюджетни қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

- аҳолини тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;
- мажбурий тиббий сугуртани қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан белгиланадиган мажбурий солиқлар ва йиғимлар;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон ҳудудига бўлган барча жисмоний шахслар шойлининг тиббий ёрдам олишга ҳақли бўлади.

Сугурталанган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш

Тиббий хизматларни етказиб берувчини танлаш ҳуқуқини қайд этган ҳолда уларни кўрсатиш, сугурталанган шахсларни бошқа етказиб берувчига қайта йўналтириш таомиллари, иккиламчи фикр олиш ҳуқуқи, сугурталанган шахслар ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, биргаликда тўловларни амалга ошириш ва ахборот махфийлиги тартиби белгиланади.

Лойиҳага мувофиқ, тиббий ёки бошқа кўрсатмалар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, сугурталанган шахслар тиббий хизматлардан фойдаланиш учун сўралаётган тиббий хизматларни кўрсатиш шартномаси тузилган етказиб берувчига мурожаат қилишга ҳақли. Сугурталанган шахс етказиб берувчига мурожаат қилганда шахсини тасдиқловчи гувоҳнома ва, мавжуд бўлган тақдирда, сугурта полиси, тиббиёт картаси ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт, шойлининг ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно.

Етказиб берувчи сугурталанган шахсда тиббий кўрсатмалар, сугурта полиси, тиббиёт картаси ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли қабул қилишни рад эта олмайди. Етказиб берувчи тузилган шартномага мувофиқ сўралаётган тиббий хизматни кўрсатмаса, мурожаат қилиш далилини қайд этади, шунингдек сўралаётган тиббий ёрдамни олиш учун шахс қайта йўналтирилган етказиб берувчини кўрсатади. Шахс қайта йўналтирилган етказиб берувчи сугурталанган шахсга сўралаётган хизматни кўрсатиши шарт.

Алоҳида хизмат учун биргаликда тўлов назарда тутилган бўлса, шахс етказиб берувчига белгиланган миқдорда ҳақ тўлаши, у сугурталанган шахс томонидан биргаликда тўловни олганидан кейин уни кўрсатиши шарт. Қонун лойиҳасига кўра: *биргаликда тўлов* – Жамғарма ва сугурталанган шахс томонидан солидар тартибда кўрсатилган тиббий хизматлар учун тўланиши лозим бўлган сумма.

Маблағ қардан олинади

Ўзбекистонда тиббиётнинг бюджет модели амал қилади. Аҳоли солиқларни тўлайди, уларнинг бир қисми соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги МТСни жорий этиш заруратининг иқтисодий асосланма-

сида соғлиқни сақлашга жами харажатлар кўшимча ҳажмини шакллантиришнинг 2 та вариантыни келтирган.

1. «МТСга ажратмалар ва қатъий белгиланган бадаллар миқдори – 2% ва 1 ЭКИХ». У 2021 йилдан Ўзбекистонда ёлланма ходимлар номинал иш ҳақидан 2% миқдоридан ажратмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан 1 ЭКИХ миқдоридан қатъий белгиланган бадаллар МТС тизимига жорий этилишига асосланган.

Чунончи, 2021 йилда жами тушумлар 1 211 млрд сўмни, 2022 йилда 1 297 млрд сўмни, 2025 йилда 1 576 млрд сўмни ташкил этиши мумкин. 2021 йилда соғлиқни сақлашга жами харажатлар аҳоли жон бошига 444 минг сўмни, 2022 йилда 453 минг сўмни, 2025 йилда 570 минг сўмни ташкил этади. 2017 йилги даража билан солиштирганда 2025 йилда улар 2,5 баравар ошади.

2. «Тамаки ва алкогольни ичимликлардан, Пенсия жамғармаси ҳисобидан – МХТФнинг 0,5%и, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг бадаллари ҳисобидан – 2 ЭКИХ МТСга ажратмалар ва қатъий белгиланган бадаллар миқдори».

Ушбу вариант алкоголь ва тамаки ишлаб чиқарувчиларнинг фойдасига қатта тасвир кўрсатмайди, сабаби 0,5 л сигимга эга 1 шиша ароқ учун йиғим миқдори 250 сўмни, 1 шиша пиво учун 100 сўмни, филтрли ва филтрсиз 1 кути сигарета учун 20 сўмни ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи ушбу харажатларни маҳсулот кийматида киритса, уни истеъмолчи тўлайди.

Истеъмолчи ҳам нарх ошганини сезмайди, сабаби жорий этилган йиғим улуши ўрта ҳисобда қуйидаги миқдорни ташкил этади:

- 0,5 л сигимга эга ҳар бир шиша ароқнинг тахминан 1,25%и, пивонинг эса 2%ини;
- филтрли сигарета ҳар бир куртисининг 0,25%и, филтрсизининг 0,57%ини.

Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг бадалларидан Жамғармага тушумлар ҳажми 2021 йилда 161 млрд сўмни, 2022 йилда 175 млрд сўмни, 2025 йилда 224 млрд сўмни ташкил этиши мумкин. Соғлиқни сақлашга жами харажатлар аҳоли жон бошига 2021 йилда 511 минг сўмни, 2022 йилда 524 минг сўмни, 2025 йилда 652 минг сўмни ташкил этади. 2018 йилги даража билан солиштирганда 2025 йилда улар 2,9 баравар ошади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Константин МОСИН.

ЭЪЛОН

“Surxondaryo mulk markazi” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога Термиз тумани ДСЭНМга тегишли, Термиз тумани Учқизил қўғонидagi корхона манзилида сақланаётган ГАЗ-53 русумли 1990 йилда и/ч, д/р 75 /724 GAA бошлангич баҳоси – 4 877 000 сўм бўлган таъмирталб ҳолатдаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Аукцион савдо 2019 йил 30 август соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш куллари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдо 2019 йил 30 август соат 11.00 дан 16.00 гача тушлик). Мазкур мулк 2019 йил 30 август кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2019 йил 18 сентябрь ва 4 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 30 август учун 28 август, 18 сентябрь учун 16 сентябрь ва 4 октябрь кунлари соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо голибига 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуҳаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Закатат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини (ариза топширилгунга қадар) “Трастбанк” ХАБ Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО 01063, СТИР 302125729.

Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш, мулкка оид ҳужжатлар билан таништириш ва савдо ўтказиш, унинг яқунларини чиқариш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 19-уй. Тел.: (376) 223-15-82. Гувоҳнома: 972.

<p>СОЛИК БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газети</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович КҮРБОНБЕКОВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир уринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p>	<p>Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1</p> <p>ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани joyлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	---	---	---	--